

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ
№ ВМ – 343 - 5А340606 – 2.08
« 1 » ИЮЛЬ 2003 й

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

« 8 » ИЮЛЬ 2003 й

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ
фаяидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги SA3406013 - «Инвестиция лойиҳаларини
молиялаштириш ва комплекс экспертиза қилиш»
магистратура мутахассислиги учун**

Тузувчилар: доц. Каримов Н. Ф.
к.ўқ. Хошимов С. М.

Тақризчилар: доц. Собиров О.
Ш. доц. Жўраев А. С

Республикамизда иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, инвестицияларни молиялаштириш манбаларини топиш, хусусан, чет эл сармоялари ва ички манбаларни жалб қилиш давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

«Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми» фанининг мақсади магистрантларга инвестицияларни молиялаштиришнинг шакллари, услублари ва манбаларини, молиялаштириш механизмини, лойиҳаларни хорижий кредит лар ҳисобига молиялаштириш жараёнларини ўргатиш ҳисобланади.

Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифалари банкларда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш шарт-шароитларини, лойиҳаларни турли манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, лойиҳаларни молиялаштиришда рискларни ва инфляция таъсирини баҳолашни, лойиҳаларни турли халқаро молия фондлари ва хорижий банкларнинг кредит йўналишлари, шунингдек маҳаллий банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан молиялаштириш механизмини, лойиҳавий молиялаштиришда суғуртанинг ўрни ва аҳамиятини ўргатишдан иборатдир.

Для успешного осуществления рыночных реформ приобретают инвестиции. Одним из приоритетных направлений государственной инвестиционной политики считается формирование источников финансирования, то есть привлечение внутренних и внешних источников.

Цель предмета «Механизм финансирования инвестиционных проектов» вооружить магистрантов знаниями о формах, источниках и методах, механизме финансирования, финансировании проектов за счёт зарубежных кредитов.

Основные задачи дисциплины состоят в изучении условий организации финансирования проектов в банке, основных черт финансирования проектов из различных источников, оценке рисков и инфляции в финансировании проектов, механизма финансирования проектов за счет различных международных фондов, долгосрочных кредитов местных банков и кредитных линий зарубежных банков, роли и значения страхования в проектном финансировании.

At successful fulfilment of market reforms, - investment has an important role in development of the economy of the Republic of

Uzbekistan. Formation of investment sources, the attraction of inside and outside sources of financing is considered as one of the priority directions of state investment politics.

The purpose of the subject « Financing of the investment projects" proposes the learning of the form, sources, methods and mechanism of financing, project financing at the expense of the foreign credits.

The basic tasks of the subject consists of the studying of the organization conditions of project financing at bank, basic features of project financing of different sources of financing, an estimation of risks and inflation in project financing, the mechanism of project financing at the expense of different international funds, long-term credits of local banks and credit lines of foreign banks, role and meaning of insurance in project financing.

ё Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома)

Дастур Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариарЪ илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Республикамизда иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва иқтисодий ривожлантиришда инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, инвестицияларни молиялаштириш манбаларини топиш, хусусан, чет эл ва ички манбаларни жалб қилиш давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми» фанини ўқитишнинг асосий мақсади магистрантларга инвестицияларни молиялаштиришнинг шакллари, услублари ва манбаларини, молиялаштириш механизмини, лойиҳаларни хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштириш жараёнларини ўргатиш ҳисобланади. Бу мақсаддан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифалари банкларда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш шарт-шароитларини, лойиҳаларни турли манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, лойиҳаларни молиялаштиришда рисклар ва инфляция таъсирини баҳолашни, лойиҳаларни турли халқаро молия фондлари ҳамда хорижий банклар кредит линиялари, шунингдек, маҳаллий банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан молиялаштириш механизмини, лойиҳавий молиялаштиришда суғуртанинг ўрни ва аҳамиятини ўргатишдан иборатдир.

Мазкур фан билан бир қаторда магистрантлар «Инвестицион таҳлил», «Инвестиция лойиҳалари техник экспертизаси ва уни таҳлили», «Инвестиция лойиҳалари мониторинга», «Давлат инвестиция сиёсати», «Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими», «Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари» каби фанларни чуқур ўзлаштиришлари зарур.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар тегишли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим.

Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда инвестиция ва хорижий инвестиция соҳасига оид қонунчилик, шунингдек, инвестиция сиёсатидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

«Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми» ўқув фани бўйича магистрантлар қуйидаги масалаларни билишлари лозим:

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш асослари ва тамойиллари;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тендерлар ташкил этиш;
- банкларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил этиш;
- лойиҳаларни турли манбалар ҳисобига молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари;
- лойиҳаларни синдикат кредитлари асосида молиялаштириш;
- лойиҳаларни молиялаштиришдаги рискларни таҳлил этиш усуллари;
- хорижий банкларнинг кредит линиялари орқали лойиҳаларни молиялаштириш механизми;
- лойиҳаларни молиялаштиришда суғуртанинг ўрни ва аҳамияти.

Магистрантлар мазкур ўқув фани бўйича юқорида кўрсатиб ўтилганлар бўйича тасаввурга эга бўлишлари, билимларни амалиётда қўллаш олишлари ҳамда янгиликларни ўзлаштира билиши керак.

Шунингдек, улар компьютерлардан ва бошқа замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиётни солиштириш усуллари, магистрантларнинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, билим ва илмга бўлган қизиқишини ташкил қилиш билан бирга уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш зарур.

«Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми» фанидан олган билимлар магистрантларга олий ўқув юртини гамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида ҳам қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория маршрутлари бўйича бажариладиган ишлар миқдорига минимал талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари юзасидан магистрантлар тегишли мавзулар бўйича конспектлар оладилар, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайдилар ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтадилар. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича магистрантларнинг даре жараёнини тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Машғулотлар ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар

Ўқув режасида фанга жами 120, шу жумладан, 40-маъруза, 40-амалий, 40-мустақил таълим соатлари ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза, кейин амалий маршрут ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича магистрантларнинг мустақил ўрганиши учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ёки ёзма усуллари қўлланилади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими асосида жорий, оралик ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишда ҳар бир семестрда икки маротаба жорий, икки маротаба оралик ва бир маротаба якуний баҳолаш амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида, охириги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Қуйидагилар «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми» фанини ўқитишда компьютер, ахборот ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларининг таркибий қисмлари ҳисобланади:

- -ўқув мақсадлари ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш;
- -ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- -тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд, компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- -режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш.
- Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:
- магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан , таъминлашга эришиш;

- магистрантларга ўз билимини ўзи баҳолайдиган шароитни яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция соҳасига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, инвестиция дастури, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг ЮНИДО услубиёти ва компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва комплекс экспертиза қилиш», «Давлат инвестициялари», «Халқаро инвестициялар» ва «Инвестиция фаолиятини молиялаштириш» мутахассисларига биринчи семестрда ўтилиши мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда инвестиция фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, инвестиция дастурлари, низомлар ва компьютер дастурларидан, сайдлардан фойдаланиш лозим.

«Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Магистрантларнинг ўқув жараёнида аудиторияда олган билимлари ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади.

2. ФАН ДАСТУРИ

«Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми» фани бўйича маъруза мавзулари

Фаннинг предмети ва мазмуни. Инвестицияларни молиялаштириш асослари ва босқичлари

Фаннинг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг асослари ва услублари. Лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этишнинг дастлабки босқичи. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий босқичи. Лойиҳаларни молиялаштириш бўйича таклифлар ва қарорлар қабул қилиш.

Инвестиция лойиҳаларининг тендерларини ташкил этиш ва шартномалар тузиш

Тендер тушунчаси. Инжиниринг хизмати. Тендерларни ўтказиш мақсади ва предмети. Тендернинг асосий иштирокчилари. Тендерларни ўтказиш механизми. Тендерлар бўйича якуний хулосани тайёрлаш. Тендер қўмиталари ва уларнинг фаолияти. Шартномалар ва уларнинг турлари.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг манбалари ва шакллари

Акциядор капитали эвазига инвестициялаш. Бюджет маблағлари лисобига инвестициялаш. Лизинг. Банк кредитлари ҳисобига узок, муддатга молиялаштириш. Ипотека. Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари. Хўжалик субъектларининг хусусий маблағлари. Бюджет ажратмалари. Хорижий инвестициялар. Қарзга олинган маблағлар ва чарз мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлар ҳисобига юлиллаштириш. Инвестициялаш жараёнида амортизациянинг ўрни. Амортизация миқдорига таъсир этувчи омиллар. Амортизацияни ҳисоблаш турлари. Тезлаштирилган амортизация меъёрлари. Амортизация жорий қийматининг ҳисоб-китоби.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг моҳияти. Лойиҳавий молиялаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Лойиҳаларни баҳолаш ва молиялаштиришда ноаниқликлар ҳамда рисклар тушунчаси. Рискларни туркумлаш.

Лойиҳа рискларини бошқариш. Рискларни суғурталаш. Рискларнинг инвестиция жараёни иштирокчилари ўртасида тақсимланиши. Лойиҳаларни сезгирлиги таҳлили. Рисклар таъсирини пасайтириш учун белгиланган дисконт ставкалари. Рискларни пасайтириш йўллари. Инфляцияни вужудга келтирувчи омиллар. Инфляцияни ҳисобга олиш кўрсаткичлари. Инфляцияни барқарорлаштириш бўйича асосий тадбирлар. Инфляциянинг фоиз ставкаларига таъсирини ҳисоблаш.

Давлат кафолати асосида лойиҳаларни молиялаштириш (синдикат кредитлари)

Ҳалқаро шартномалар доирасида ҳукумат кафолати асосида оқалб цилинадиган хорижий кредитлар. Синдикат кредитлари. Лойиҳавий молиялаштириш иштирокчилари. Хорижий кредитлар ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш шарт-шароитлари. Молиялаштиришга лойиҳаларни танлаш. Кредит шартномалари. Кредитлаштириш тартиби. Кредитдан мақсадли фойдаланиш устидан назорат. Мониторинг.

Ҳалқаро молиявий институтларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича кредит йўналишлари

Ўзбекистонда халқро молиявий институтлар фаолияти. Жаҳон банки ва унинг муассасалари. Ҳалқаро валюта фонди ва унинг кредит линияси. Европа тараққиёт ва тикланиш банки, унинг кредит линияси. Лойиҳаларни кредитлаш мезонлари. Осиё тараққиёт банки ва унинг лойиҳаларни кредитлаш мезони. Германия банклари кредит линияси.

Инвестиция лойиҳаларини маҳаллий банкларнинг узок муддатли кредитлари ҳисобига молиялаштириш

Узоқ муддатли кредитлаштиришнинг ўзига хос хусиятлари, объектлари, тамойиллари. Лойиҳаларни кредитлаштириш шарт-шароитлари. Кредитлаштириш мезонлари. Кредит учун фоиз ставкасини белгилаш. Инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни кредитлаштириш механизми. Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш жадвали. Банк кредитлари устидан назорат.

Лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталаш

Лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталашнинг моҳияти ва мақсади. Суғурта компанияларининг лойиҳавий молиялаштиришдаги ўрни ва мажбуриятлари. Хорижий инвестицияларни суғурталаш. Суғурталаш шарт-шароитлари ва механизми. Кредит учун гаровга қўйилган мол-мулкларни суғурталаш. Ҳалқаро суғурта компаниялари ҳамда уларнинг инвестицияларни суғурталаш бўйича талаблари ва асосий мезонлари.

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙҲАТИ

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш асослари ва босқичлари

Лойиҳаларни молиялаштиришнинг асослари ва услублари. Лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этишнинг дастлабки босқичи. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий босқичи. Лойиҳаларни молиялаштириш бўйича таклифлар ва қарорлар қабул қилиниши.

Инвестиция лойиҳаларининг тендерларини ташкил этиш

Тендер тушунчаси ва тендерларни ўтказиш мақсади ва предмети. Инжиниринг хизмати. Тендерларни ўтказиш механизми. Тендерлар бўйича якуний ҳулосани тайёрлаш. Тендернинг асосий иштирокчилари, тендер қўмиталари ва уларнинг фаолияти. Шартномалар ва уларнинг турлари.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг манбалари ва шакллари

Акциядор капитали эвазига инвестициялаш. Бюджет маблағлари ҳисобига инвестициялаш. Банк кредитлари ҳисобига узок; муддатга молиялаштириш. Ипотека ва лизинг. Хўжалик субъектларининг хусусий маблағлари. Бюджет ажратмалари. Хорижий

инвестициялар. Қарзга олинган маблағлар ва қарз мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлар ҳисобига молиялаштириш. Инвестициялаш жараёнида амортизациянинг роли ва уни ҳисоблаш турлари. Тезлаштирилган амортизация меъёрлари. Амортизация жорий қийматининг ҳисоб-китоби.

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш

Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштиришнинг моҳияти. Лойиҳавий молиялаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Лойиҳаларни баҳолаш ва молиялаштиришда ноаниқликлар ҳамда рисклар тушунчаси. Рискларни туркумлаш ва уларга тавсиф. Лойиҳаларнинг сезгирлиги таҳлили. Рисклар таъсирини пасайтириш учун белгиланган дисконт ставкалари. Рискларни пасайтириш йўллари. Инфляцияни вужудга келтирувчи омиллар. Инфляцияни ҳисобга олиш кўрсаткичлари. Инфляцияни барқарорлаштириш бўйича асосий тадбирлар.

Давлат кафолати асосида лойиҳаларни молиялаштириш

Халқаро шартномалар доирасида ҳукумат кафолати асосида жалб қилинадиган хорижий кредитлар. Синдикат кредитлари. Лойиҳавий молиялаштириш иштирокчилари. Хорижий кредитлар ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш шарт-шароитлари ва тартиби. Кредит шартномалари. Кредитдан мақсадли фойдаланиш устидан назорат.

Халқаро молиявий институтларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича кредит линиялари Ўзбекистонда халқаро молиявий институтлар фаолияти. Жаҳок банки ва унинг муассасалари. Халқаро валюта фонди ва унинг кредит линияси. Европа тараққиёт ва тикланиш банки, унинг кредит линияси. Лойиҳаларни кредитлаш мезонлари. Осиё тараққиёт банки ва унинг лойиҳаларни кредитлаш мезони. Германия ва Япония банклари кредит линияси.

Инвестиция лойиҳаларини маҳаллий банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобига молиялаштириш

Узоқ муддатли кредитлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, объектлари, тамойиллари. Лойиҳаларни кредитлаштириш шарт-шароитлари ва мезонлари. Кредит учун фоизлар ставкасини белгилаш. Инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни кредитлаштириш механизми. Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш жадвали. Банк кредитлари устидан назорат.

Лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталаш

Лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталашнинг моҳияти, мақсади ва роли. Хорижий инвестицияларни суғурталаш. Суғурталаш шарт-шароитлари ва механизми. Кредит учун гаровга қўйилган мол-мулкларини суғурталаш. Халқаро суғурта компаниялари ва уларнинг инвестицияларни суғурталаш бўйича талаблари ва асосий мезонлари.

Курс иши (лойиҳаси) мавзулари рўйхати:\

- Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг анъанавий услублари.
- Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари ва шакллари.
- Лойиҳавий молиялаштиришни ташкил этиш ва уни амалга ошириш.
- Инвестиция лойиҳалари тендерларини ташкил этиш ва шартномалар тузиш.
- Инвестициялаш жараёнида амортизациянинг ўрни.
- Инвестиция лойиҳаларни баҳолаш ва молиялаштиришда ноаниқликлар ҳамда рисклар тушунчаси.
- Инвестиция лойиҳалари рискларини туркумлаш.

- Ҳукумат кафолати асосида лойиҳаларни молиялаштириш (синдикат кредитлари).
- Хорижий кредитлар ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш шарт-шароитлари ва тартиби.
- Халқаро молиявий институтларнинг инвестиция лойиҳалари бўйича кредит йўналишлари.
- Лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталашнинг моҳияти, мақсади ва ўрни.
- Инвестиция лойиҳалари рискларини суғурталаш механизми.
- Лойиҳаларни маҳаллий банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобига молиялаштириш шартлари ва мезонлари.
- Лойиҳаларни синдикат кредитлари орқали кредитлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Хорижий инвестицияларни суғурталаш.

Халқаро суғурта компаниялари ҳамда уларнинг инвестицияларни суғурталаш бўйича талаблари ва мезонлари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА . ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Таълим жараёнида кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми" фанини ўрганишда амалий ёрдам тариқасида магистрантлар инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари таркибини ўрганиш бўйича чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Магистрантларга "Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми" фанини ўрганишда турли ахборот воситаларидан, жумладан Интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланиш тавсия этилади:

<http://invest-faq.com/>
<http://www.oakinv.com/>
<http://www.hondurasinfo.hn/>
<http://farbill.farbill.unl.edu/>
<http://www.eagleinvsys.com/>
<http://www.Apexvc.com>
<http://www.wisebuy.co.uk/>
<http://subscribe.ru>
<http://www.bimk.kiev.ua>
<http://tininfo.bigural.ru>
<http://www.bashkortostan.ru>
<http://vuirute.iessl.ru>
<http://tutby>
<http://www.zelenograd2001.narod.ru>
<http://econsultant.ru>
<http://megapolis.kharkov.ua>
<http://www.rada.kiev.ua>
<http://alyona.nns.ru>
<http://www.hse.ru>
<http://www.samara.ru>
<http://www.vestona.ru>

<http://www.officemart.ru>
<http://www.chtivo.ru>
<http://bdg.preess.net.by>

Шунингдек, республикамызда чоп этилаётган газета ва журналлардан, мутахассислигига тегишли маълумотлардан, хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедия иловаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралик ҳамда якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралик баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоизи миқдоридан белгиланган

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми" фанидан магистр тўплаши мумкин бўлган максимал балл 80 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 28, оралик баҳолашга 28, якуний баҳолашга 24 балл ажратилади. Жорий ва оралик баҳолашга белгиланган баллар қуйидаги мезонлар асосида қўйилади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмаларни қўйишлари тайёрлаши.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ эт*1ш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида файллар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

86 - 100 фоизгача (68,8 баллдан 80 баллгача)- "аъло";
71 - 85 фоизгача (56,8 баллдан 68,7 баллгача) -"яхши";
55 - 70 фоизгача (44 баллдан 56,7 баллгача) -"қониқарли";
55 фоиздан кам (0 дан 43,9 баллгача) -"қониқарсиз".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, 1998, 30 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси

мажлисидаги маърузаси. //Халқ

сўзи, 2003 йил, 18 февраль.

7. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О мерах по совершенствованию механизма реализации проектов с иностранными инвестициями». 9 февраля 1998 года.
8. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О частичном изменении указа от 30 ноября 1996 года «О дополнительных стимулах и льготах, предоставляемых предприятиям с иностранными инвестициями» от 27 марта 1998 года.
9. Абдуллаева Ш. З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: Молия, 2000.
10. Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002.
11. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционных проектов: Учеб. пос. - Т.: ТФИ, 2000.
12. Абрютин М.С., Грачева А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятий: Учеб.-практ. пос. - М.: Дело и Сервис. 2001.
13. Берено В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. - М.: ИНФРА - М, 1995.
14. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учеб. пос./Под ред. В.М. Попова. - М.: Финансы и статистика, 1997.
15. Банковское дело и финансирование инвестиций Под ред. Н Брука (Всемирный Банк Реконструкции и Развития), (в четырех частях). Институт Экономического развития Всемирного Банка, 1995.
16. Липсиц ИВ. Коссов В.В. Инвестиционный проект: методы подготовки и анализа - М.: БЕК, 1996.
17. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996.

Кўшимча адабиётлар

1. Резюме руководящих принципов для консультативных фирм, привлекаемых ЮНИДО для подготовки предварительных исследований и технико-экономических обоснований. ООН по промышленному развитию, подготовлено Сектором технико-экономических обоснований, Службы инвестирования, Отдел содействия инвестированию и использованию технологии. Март, 1994.
2. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов. - М.: Олимп-бизнес, 1997.
3. Буров В.П., Галь В.В., Казаков А.П., Морошкин В.А. Бизнес- план инновационного проекта методика составления. Методическое пособие - М.: ЦИПККАП, 1997.
4. Богуславский М.М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. -М.: БЕК, 1996.
5. Гитман Л. Дж, Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер. с англ. - М.: Дело, 1997.
6. Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка. - М.: Алане, 1997.
7. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов - М.: Финансы и статистика, 1998.
8. Курс экономики: Учеб. / Под ред. Б.А. Райзберга. - М.: ИНФРА-М, 1997.
9. Финансы и управление предприятием/ Под ред. А.М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 1995.
10. Шим Джей К., Сигел Джоел Г. Финансовый менеджмент/Пер, с англ. - М.: Филинь, 1996.

12. Финансовый менеджмент: теория и практика: Учебник/под ред. Е.С. Стояновой. - М.: Перспектива, 1996.
13. Инвестиционно - финансовый портфель/отв. ред. Рубин Ю.Б., Солдаткин В. И. - М.: СоминТЭК, 1993.
14. Одинцов Б.Е. Проектирование экономических экспертных систем - М.: ЮНИТИ, 1996.